

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 7/S

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/7 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

## **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Холлиев Азизбек Гўзалович*  
РОССИЯ-АМЕРИКА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XIX АСР  
БИРИНЧИ ЯРМИ) ..... 7-13
- Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли*  
ФАРҒОНА СОМОНИЙЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР ..... 14-25
- Бобожонов Шавкат Улуғбекович*  
ФЕНОМЕН БАХАУДДИНА НАКШБАНДИ В ПАЛОМНИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ НАСЕЛЕНИЯ  
БУХАРСКОГО ОАЗИСА ..... 26-31
- Raxmonqulova Masuma Mengniqulovna*  
ZARDUSHTIYLIK DINIGA OID YOZMA MANBALARNING ARXEOLOGIK MANBALARDA AKS  
ETISHI ..... 32-39
- Isarov Umidulla Isar o'g'li*  
“ILK KO‘CHMANCHILAR” ATAMASI MUAMMOSI ..... 40-45
- Исламов Шарифжон Ганиджанович*  
“КЕНГАШ” ЖУРНАЛИДА СИЁСИЙ, ДИНИЙ ВА ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИНГ  
ЁРИТИЛИШИ ..... 46-54
- Фарманова Гулнара Комилевна*  
АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ РАБОТЫ И ИССЛЕДОВАНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО  
СОГДА В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ РАБОТ Г.В.ГРИГОРЬЕВА И  
А.И.ТЕРЕНОЖКИНА)..... 55-64

### 8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Ablazov Nurillo Xusanboyevich*  
QURILISH KORXONALARIDA DAROMAD VA XARAJATLARNI TAN OLISHNING XALQARO  
STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ..... 65-71
- Kunduzova Kumrixon Ibragimovna*  
ONLAYN MOLIYAVIY XIZMATLARNING XUSUSIYATLARI ..... 72-79
- Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, Бабаназарова Севара Абдиназаровна*  
ИНСОН КАПИТАЛИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ  
КЎРСАТКИЧНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ ..... 80-90
- Norkochkarov Abdulaziz Ziyadullaevich*  
PRACTICAL ASPECTS OF CREATING COST ESTIMATE IN BUDGET ORGANIZATIONS ..... 91-98
- Темиров Шохрухжон Пулатхўжа ўғли*  
КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ, ДАРАЖАЛАРИ ВА БАРҚАРОРЛИГИДА  
ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА)..... 99-108

### 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

- Raximova Dildora Abzalovna*  
GLOBAL MUAMMOLAR FALSAFASI ..... 109-114

*Искандаров Жахонгир Шарипович*  
ИНТУИЦИЯ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ ..... 115-121

*Hadjamuratova Matlyuba Xashimovna*  
YOSHLARNI IJTIMOYI NIMOYA QILISHNING INNOVATSION XUSUSIYATLARI ..... 122-128

### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Axmedov Oybek Saparbaevich*  
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ  
ҲОДИСАНИНГ ЎРНИ ..... 129-137

*Rasulova Gulbahor*  
AYRIS MYORDOK IJODIGA ILMIY-NAZARIY YONDASHUVLAR ..... 138-143

*Norqobilov Sanjar Rahmat o'g'li*  
KOGNITIV LINGVISTIKA FANINI TAQQOSLASHNING UMUMIY TENDENSIYALARI ..... 144-149

*Bobojonov Dilshod Jumaqul ugli, Halilova Shohista Muhammadi qizi, Umarova Maftunbonu  
Umidjanovna, Turdaliyeva Shahnoza O'ktamovna, Gulnora Xolmurodova Sattorovna*  
LINGUISTIC FEATURES OF THE MODERN NEWSPAPER LANGUAGE: ANALYSIS AND  
RESEARCH ..... 150-159

*Sodikova Bakhtigul Ibodullaevna, Berdiyev Suhrob Sobirovich, Togaev Bobur Erkin ugli, Hafizov  
Sarvar Boborajab ugli, Maxsumov Rustam Maxamadiyevich*  
CHARACTERISTICS OF THE NEO-VICTORIAN NOVEL IN THE "FRENCH LIEUTENANT'S  
WOMAN" BY JOHN FOWLES ..... 160-166

*Xolmuxamedov Baxtiyor Farxodovich*  
O'ZBEK TILIDA YARATILGAN CHAPPA (TERS) LUG'ATLAR HAQIDA ..... 167-176

### **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Тўраев Сардор Абдухаким ўғли*  
БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН Фойдаланиб содир  
ЭТИЛАДИГАН ТАЛОН-ТОРОЖ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК  
МАСАЛАЛАРИ ..... 177-187

### **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Kaziyeva Turg'unoy Tursunbayevna*  
MATNING GERMENEVTIK KONTSEPTSIYASI VA KOGNITIV GERMENEVTIKA ..... 188-192

*Xaydarov Azamjon Asqarovich*  
"OZIQ OVQAT TECHNOLOGIYASI YO'NALISHI" TALABALARINI UMUMIY KIMYO KURSINI O'QITILISHDA  
INTEGRATIV TAKOMILLASHTIRISHNING ILMIY METODIK ASOSLARI ..... 193-198

*Allamurodova Sabohat Ibodullayevna*  
ADABIY TA'LIM TIZIMIDA KULTUROLOGIK YONDASHUV ..... 199-204

*Gaybullaeva Yulduz Anvarovna*  
PROFESSIONAL AND AESTHETIC APPROACH TO TYPES OF WOMEN'S CLOTHING ..... 205-210

*08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари*

**Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

**Бабаназарова Севара Абдиназаровна**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти в.б. PhD.

Email: [Babanazarova\\_sevara@mail.ru](mailto:Babanazarova_sevara@mail.ru)

## **ИНСОН КАПИТАЛИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада асосий эътибор инсон капитали тушунчасининг мазмуни, таърифи, таркиби ва уни ифодаловчи кўрсаткични аниқлаш йўлларига қаратилган. Бунда инсон капиталининг таърифи бўйича турли олимлар фикрлари, уларнинг назарий таҳлили ва таърифи келтирилган. Инсон капиталининг таркиби инсоннинг таълим орқали эришилган билим даражаси, ҳаётий тажрибаси ва саломатлиги каби муҳим компонентларнинг мажмуидан иборатлиги асосланган. Инсон капитали даражасини ифодаловчи кўрсаткич сифатида инсон капитали индекси (HCI) олинган бўлиб, уни аниқлаш бўйича ҳам мултифлар фикрлари билдирилган.

**Калит сўзлар:** инсон капитали, таълим, олий таълим, соғлиқни сақлаш, таълимнинг давомийлиги, таълим натижалари, ўқувчининг билим даражаси, сифатли таълим, инсон капитали индекси.

---

**Pardaev Mamayunus Karshibaevich**

Professor of the Samarkand Institute of Economics and Service,  
doctor of economic sciences.

**Babanazarova Sevара Abdinazarovna**

Acting Associate Professor at Samarkand Institute of  
Economics and Service, PhD.

## **METHODS FOR DETERMINING THE CONTENT, COMPOSITION AND INDICATOR OF THE CONCEPT “HUMAN CAPITAL”**

**Abstract.** The article focuses on the content, definition, composition of the concept of human capital and methods for determining the indicator that represents it. The opinions of various scientists on the definition of human capital, theoretical analysis and definition of this term are presented. The composition of human capital consists of a set of important components, such as the level of education, life experience and human health. The human capital index (HCI) was taken as an indicator reflecting the level of human capital, and the authors expressed their opinion on its definition.

**Key words:** human capital, education, higher education, healthcare, duration of study, learning outcomes, student knowledge level, quality education, human capital index.

---

**Пардаев Мамаюнус Каршибаевич**

Профессор Самарқандского института экономики и сервиса, д.э.н.

**Бабаназарова Севара Абдиназаровна**  
и.о.доцент Самаркандского института экономики и сервиса, PhD.

## МЕТОДЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СОДЕРЖАНИЯ, СОСТАВА И ПОКАЗАТЕЛЯ ПОНЯТИЯ "ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ"

**Аннотация.** Основное внимание в статье уделяется содержанию, определению, составу понятия человеческого капитала и способам определения показателя, его представляющего. Представлены мнения различных ученых по поводу определения человеческого капитала, теоретический анализ и определение этого термина. Состав человеческого капитала состоит из совокупности важных компонентов, таких как уровень образования, жизненный опыт и здоровье человека. В качестве показателя, отражающего уровень человеческого капитала, был взят индекс человеческого капитала (ИЧК), а также высказано мнение авторов по его определению.

**Ключевые слова:** человеческий капитал, образование, высшее образование, здравоохранение, продолжительность обучения, результаты обучения, уровень знаний студента, качественное образование, индекс человеческого капитала.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I7/SY2023N10>

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаёқ «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» фармони қабул қилинган эди. Ушбу стратегияда қўйилган вазифалар нафақат шу 2021 йилгача, балки узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлар қўйилган. Жумладан, «2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингда Ўзбекистонни дунёнинг 50 та энг илғор мамлакати қаторига киритишга эришиш»[1] кўзда тутилган. Ушбу стратегиянинг асосий мақсади «мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида **инсон капиталлини** (таъкид бизни – П.М. ва Б.С) ривожлантириш»дан иборатдир[2]. Инсон капиталли бебаҳо неъмат. Бунинг даражаси миллатнинг, шу миллат яшаётган мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини ҳам белгилайдиган кўрсаткичдир. Шу туфайли ушбу кўрсаткичга дунё миқёсида катта аҳамият берилмоқда. ЮНЕСКО, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ва баҳолаш усуллари билан шуғулланиб келмоқдалар. Бу бизнинг мамлакатимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳолат мазкур масаланинг долзарблигини белгилайди.

**Адабиётлар шарҳи.** Инсон капиталли масаласи бўйича дунё давлатлари ва мамлакатимизда ҳам турли олимлар шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига У.Н.Тошкенбаев, Г.Қ.Абдурахманова, Д.Ж.Рустамов, М.Қурононов, Ш.О.Амиркулов, С.А.Дятлов, С.Фишер, Р.Дорнбуш, К.Шмалензи М.Қ.Пардаев, С.А.Бабаназарова, З.Б.Қўзиев, Б.Ш.Усмонов, М.Қ.Қодиров, Ж.Д.Элтазаров, Ф.Жониев, Ш.Г.Акрамова, Ҳ.Н.Очилова кабиларни мисол келтириш мумкин. Муаллифларнинг ушбу асарларида инсон капиталлининг моҳияти, мазмуни, шаклланиш босқичлари, уни такомиллаштириш бўйича тегишли омиллар қараб чиқилган. Аммо инсон капиталлининг таркибий тузилиши, уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқликлари етарли даражада очиб берилмаган. Шу туфайли мазкур ишнинг мавзуси бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳар қандай категориянинг мазмун моҳиятини назарий ва амалий жиҳатдан очиб бериш учун унинг таърифини аниқлаб олишни тақозо қилади.



Бу борада олимларнинг қарашлари турлича. Айримларини келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдим (1-жадвал).

## 1-жадвал

## Инсон капиталининг таърифи ва тушунчалари бўйича турли олимлар фикрлари

Т/р	Берилган таърифлар	Манба
	Инсон капитали – бу шахснинг номоддий бойлиги бўлиб, қонунда таъқиқланмаган фаолият билан шуғулланишида фойдаланиши мумкин бўлган, ўзига (эгасига) даромад (фойда) келтирувчи, генетик ва ўзлаштирилган, ижобий сифат ва миқдор хусусиятларига эга бўлган барча компонентлар мажмуасидир.	Амирқулов Ш.О. Инсон капитали: шаклланиши ва ривожланиши.// Инновацион технологиялар/Innovative technologies. 2-сон. 2020. – 87-92 бетлар
2.	Инсон капитали бу — кишиларнинг ўз бойликларини ва миллий фаровонликни яратишда ишлатадиган билим, кўникма ва малакаларидир.	Муҳаммаджон Куронов. Инсон капитали мактабда яратилади.// <a href="http://marifat.uz/marifat/ruknlar/rasmiy/1486.htm">http://marifat.uz/marifat/ruknlar/rasmiy/1486.htm</a>
3.	Инсон капитали деб, жамоат такрор ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида мақсадли фойдаланиладиган ва меҳнат ва ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўз навбатида ушбу инсон даромадининг ошишига таъсир этувчи инвестициялар натижасида шаклланган ва инсон томони-дан тўпланган соғлиқ, малака, қобилият ва мотивациялар захираси тушунилади.	Дятлов С.А. Основы теории человеческого капитала. СПб: изд-во УЭФ.1994.с.83.
4.	Инсон капитали деганда “индивиднинг товар ва хизматлар яратиш қобилияти”, “унинг ишлаб чиқарувчанлик қобилият-лари ва билимлари” деб аниқлайди.	Акрамова Ш.Г Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар келтирилган Л. Туроунинг фикри.//Меҳнат бозори. Журнали. – 54 б.
5.	Инсон капитали инсонда ўз аксини топган даромад олиб келиш ўлчовидир.	Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи К. Экономикс. М.: Дело 1993. С.303
6.	Инсон капитали инсонлар умри давомида тўплаб борадиган билим, кўникма ва саломатликдан иборат, булар инсонга жамиятнинг керакли	Улуғбек Ташкенбаев, Ўзбекистонда шахс ўз салоҳиятининг неча фоизидан фойдалана олиши ҳисоблаб чиқилди <a href="https://yandex.ru/search/?text">.https://yandex.ru/search/?text</a> .

	аъзоси сифатида ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришга имкон беради.	
7	Инсон капитали - бу одамлар ўз ҳаёти давомида сармоя киритадиган ва тўплайдиган, жамиятнинг ҳисса қўшадиган аъзолари сифатида ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришга имкон берадиган билим, кўникма ва соғлиқдир. Озиқланиш, соғлиқни сақлаш, сифатли таълим, янги иш ўринлари яратиш ва малака ошириш орқали одамларга сармоя киритиш инсон капиталини ривожлантиришга ёрдам беради, бу эса ўта қашшоқликка барҳам бериш ва ижтимоий жиҳатдан янада яхлит жамиятлар барпо этишнинг калитидир.	<a href="https://www.vsemirnyjbank.org/ru/publication/human-capital/brief/the-human-capital-project-frequently-asked-questions#1">https://www.vsemirnyjbank.org/ru/publication/human-capital/brief/the-human-capital-project-frequently-asked-questions#1</a>
8	Инсон капитали капиталнинг бир шаклидир, чунки у келажакдаги даромад ёки келажакда қониқиш манбаи бўлиб хизмат қилади ёки иккаласи ҳам. Ва у инсонга айланади, чунки у инсоннинг ажралмас қисмидир.	Теодор Уильям Шульц, "Investment in Human Capital", American Economic Review, June 1961

Жадвалдан кўриниб турибдики, инсон капиталининг таърифи ва унинг мазмунини ифодалаш бўйича турли қарашлар мавжуд экан. Ушбу таърифларда бир қанча ўхшашликлар бор. Булар: биринчидан, инсоннинг даромад келтириш қобилияти (Ш.О.Амиркулов, Муҳаммаджон Қурононов, С.А.Дятлов, С.Фишер, Р.Дорнбуш, К.Шмалензи), иккинчидан, унинг билими, кўникмаси (тажрибаси) ва саломатлик даражасини (Муҳаммаджон Қурононов, С.А.Дятлов, У.Тошкенбаев) асос қилиб олади. Учинчи йўналиш инсоннинг яратувчилик қобилияти (Ш.Г.Акрамов, С.А.Дятлов, Муҳаммаджон Қурононов) инсон капитали, деб баҳоланмоқда. Бундай қарашлар бежиз ўз-ўзидан шаклланган эмас. Дунё иқтисодий-ижтимоий ҳаётида, мамлакат аҳолисининг фаровонлигини таъминлашда, унинг рақобатбардошлигини оширишда инсон капитали муҳим роль ўйнамоқда. Булардан келиб чиқиб, инсон капитали бўйича ўзимизнинг таърифимизни шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

**Инсон капитали деганда, инсоннинг моддий ва номоддий неъматларни яратувчанлик қобилиятини белгиловчи билим даражаси, кўникмаси (тажрибаси) ва саломатлигини мужассам этадиган барча компонентлар мажмуи тушунилади.** Ушбу таърифнинг моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, инсон капитали инсоннинг моддий ва номоддий неъматларни яратувчанлик қобилиятининг шаклланганлигини ўзида мужассам этган бўлиши лозим.

Иккинчидан, ҳар бир инсоннинг ўзи қиладиган ишига керакли бўлган билим даражаси етарли бўлиши керак. Айниқса ҳозирги шароитда инсон фаолиятига кириб келган ахборот технологиялари ва шунга мос равишда автоматлаштирилаётган жараёнларда билим етарли бўлмаса кўзланган мақсадга эришиш бироз мураккаблашиб қолади.


Учинчидан, ҳар бир инсон бажараётган ишига кўникмаси (тажрибаси) ҳосил қилинган бўлишлигини ҳам тақозо қилади. Инсонда билим бўлмаса, билимни ишлатиб фаолият кўрсатмаса, бирор ишни такомиллаштириш масаласи ҳам мураккаб бўлади. Шу туфайли инсон капиталининг самарали натижа беришида тажриба муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, ҳар бир инсон тегишли тарзда фаолият кўрсатиши ва самарали натижадорликка эришиши учун билим ва тажриба билан биргаликда саломатлиги ҳам талаб даражасида бўлишлиги лозим. Шу туфайли инсон капиталини тўлиқ маънода тушуниш учун ушбу келтирилган барча компонентлар мужассам бўлган категорияни тушуниш мумкин бўлади.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, инсон капитали таркиби нималардан иборатлиги хусусида ҳам аниқ фикрларни айтиш мумкин бўлади.

#### **Инсон капитали таркиби нималардан иборат?**

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, инсон капиталининг даражасини ўлчаш учун унинг таркиби нималардан иборат ва буни қандай аниқлаш мумкинлиги хусусида сўз юритиш лозимдир. Ҳар бир меҳнатга қобилиятли шахс инсон капиталига кирмайди. У нафақат ўзига, балки бутун жамиятга нафи тегадиган, яратувчанлик фазилат ва хусусиятларига эга бўладиган бўлиши лозим. Инсон капиталининг таркиби таълим орқали эришилган билим, ҳаётий тажриба ва саломатлик каби муҳим жиҳатларни қамраб олади. Буларнинг ўзaro боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



**1-расм. Инсон капитали таркибининг ўзарo боғлиқлиги**

Расмдан кўриниб турибдики, **инсон капиталининг таркиби** билим, тажриба ва саломатлик каби муҳим жиҳатларни қамраб олар экан. Ушбу жиҳатларни инсон умри давомида тўплаб, асраб ва кучайтириб боради. Натижада мамлакат тараққиёти узлуксиз

таъминланиб боради. Агар ҳар бир инсонда ушбу жиҳатлар мужассам бўлса, улар камбағал бўлмайди ва мос равишда бундай инсонлар яшаган мамлакат ҳам қолоқ ҳолда қолмайди. Қисқа вақт мобайнида ривожланган мамлакатлар қаторига кириб боради. Демак, мамлакатимизнинг жадал тараққиёти ва рақобатбардошлигини таъминлашимиз учун энг аввало, инсон капиталига катта аҳамият бериш лозимлигини тақозо қилади.

Инсон капиталини мустаҳкамлаш учун энг аввало инсон замон талабига жавоб берадиган **билимга** эга бўлиши лозим. Бунинг учун таълим тизими миқдор ва сифат жиҳатидан ривожланиши лозим. Миқдори ошмоқда, чунки мактабни битирувчиларнинг олдин 9 фоизни олий ўқув юртида ўқиган бўлса, эндиликда уларни 50 фоизга етказиш устида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жуда кўплаб олий ўқув юртлари ташкил қилинди ва қилинмоқда. Давлат олий ўқув юртлари билан бирга хусусий олий ўқув юртлари, хорижий олий ўқув юртлари ва қўшма таълим билан шуғулланадиган олий ўқув юртлари каби шакллардаги олий ўқув юртлари ташкил бўлди ва бўлмоқда.

Инсон капиталини мустаҳкамлашнинг яна бир йўли ҳар бир **инсон етарли даражада тажрибага ва маҳоратга** эга бўлишлигини тақозо қилади. Эгалланган билим тажриба билан мукаммаллашади. Айрим ҳолларда бир мутахассисликни битириб, ушбу соҳада эмас, бошқа соҳада ишлашга ўтиб келади. Бу киши олий маълумотли, аммо билими соҳага тўғри келмайди. Шу туфайли бундайларни тўлақонли соҳага мос инсон капитали, деб бўлмайди. Шу туфайли амалиётга мос назарий билимни эгаллаган инсон айнан шу соҳа бўйича ишлаб ўз тажрибаси ва маҳоратини оширса сифатли инсон капитали шаклланади. Таълим соҳаси ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилишда айнан ушбу масалага алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқжир.

Инсон капиталини мустаҳкамлашнинг учинчи йўли бу **инсон саломатлиги** билан боғлиқдир. Шу туфайли мазкур масалага ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш мақсадида, ушбу ном билан аталадиган марказ эндиликда Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти сифатида қайта ташкил қилинди. Ушбу институт Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланишни тизимли ва жисмоний фаолликни қўллаб-қувватлашни тарғиб қилиш билан ҳам шуғулланади. Шунингдек, фармацевтика тармоғини ҳам самарали тартибга солинади. Ушбу тадбирлардан мақсад инсонлар умр бўйи саломатлигини сақлаб қолиши ва узоқ умр кўришини таъминлашга қаратилгандир.

Инсон капиталини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш бўйича Жаҳон банкининг ушбу соҳага ёндошувларига ҳам эътибор қаратилди. Ушбу усул бўйича аниқланадиган кўрсаткичлар, бевосита таълим (таълимнинг давомийлиги, таълим натижалари (билим даражаси), сифатли таълим олиш давомийлиги) ва соғлиқни сақлаш (янги туғилган боланинг 5 ёшгача яшаб қолиш эҳтимоли, вояга етган болаларнинг яшаб қолиш даражаси, соғлом ўсиш (нуқсонсиз ривожланаётган болалар улуши) билан боғлиқ жиҳатларига алоҳида аҳамият бериш инсон капиталини баҳолаш ва ривожлантириш муаммолари ва уларни мамлакатимизда ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқиш имконини беради.

Ҳозирги кунда “Аҳоли саломатлиги – 2030” миллий стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Соҳага оид бир қанча ташкилотлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига ўтказилади; хусусан, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги; 2024 йил 1 январдан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси кабилар. Соҳа билан боғлиқ муҳим жиҳат 2026 йил якунигача тиббий суғурта республика бўйлаб тўлиқ жорий этилиши кўзда тутилган. 2024 йил 1 январдан Вазирлик ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси фаолияти йўлга қўйилади. Буларга: Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси; Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси; Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси; Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси. Ушбу тадбирлар инсонлар, айниқса кам таъминланган оила аъзолари саломатлигини тиклашда жуда катта имкониятларни яратади.

Инсон капитални такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сунъий интеллектни ривожлантириш орқали эришилади. Ушбу масала бутун дунё миқёсда глобал иқтисодий ўсиш суръатида намоён бўлмоқда. Ушбу кўрсаткич бугунги кунда жадаллик билан ривожланиш босқичига кирди ва бу келажакда ҳам давом этади. “Сунъий интеллект бозори 2020-2025 йиллар давомида ўрта ҳисобда 18,8 %га ўсиши кўзда тутилган. Унинг ҳажми 2020 йилдаги 297 млрд. АҚШ долларидан 2025 йилга бориб 500 млрд. АҚШ долларига етиши мўлжалланган” [4]. Кўриниб турибдики инсон капиталининг асоси бўлган интеллектуал салоҳияти йилдан йилга ошиб бормоқда. Чунки ушбу масалага дунё миқёсида катта эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Ҳозирги пайтда 15 та соҳада 400 тадан ортиқ сунъий интеллект бўйича лойиҳа амалга оширилди [5]. Ушбу ҳолат дунё иқтисодиёти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Натижада ҳар бир мамлакатда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар талаб даражасида бўлиб, аҳоли фаровонлиги муттасил ошиб боради ва мос равишда мамлакатларнинг рақобатбардошлиги ҳам таъминланади.

#### **Инсон капитални даражасини ифодаловчи кўрсаткич қандай аниқланади?**

Инсон капиталининг даражасини аниқлаш учун **инсон капитал индекси (НСИ)** фойдаланилади. Ушбу кўрсаткич инсоннинг яратувчанлиги, меҳнат унумдорлигининг даражаси билан ўлчанади. Бу ўз ичига, юқорида таъкидланганидек, инсоннинг билим даражаси, яратувчанлик қобилияти билан бирга саломатлигини ҳам қамраб олади. Инсонларнинг натижадорлиги бевосита унинг саломатлигига боғлиқ. Соғлом кишида ўз фаолиятини самарали олиб бориш учун билим ва тажриба етарли бўлса, бу самарали инсон капитални ҳисобланади. Бугунги кунда инсон капитални такомиллаштириш учун таълим ва соғлиқни сақлашга бежиз катта инвестиция киритилаётган эмас. Бу инвестициянинг самарадорлиги келажакда аниқ бўлади.

Шу туфайли дунё миқёсида Жаҳон банки томонидан инсон капитал индекси ҳам аниқланадиган бўлган. Жаҳон банкининг 2020 йил учун дунё мамлакатларининг инсон капитал индексини эълон қилди. Унда биринчи бор Ўзбекистон ҳам қатнашиб, тарихда илк бор 62 фоизлик натижани қўлга киритгани аниқланди. Бунинг ўлчови қандай

амалга оширилган? Ушбу саволга жавоб топиш учун инсон капиталининг таркиби нималардан иборатлигига аҳамият бериш лозим.

**Инсон капитали индексини** баҳолаш 1990 йилларда ташкил қилинган бўлиб, бугунги кунда дунёда 157 та давлат рейтинги аниқланади. Булар таркибида етакчи ўринларни эгаллаган 5 та давлатлар қаторига Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Ҳонконг ва Финляндия киради. МДХ давлатлари ичида юқори кўрсаткич Белоруссия республикасида 70 %ни ташкил қилади. Ундан кейинги ўринларда Россия Федерациясида НСИ даражаси 68 %ни ташкил қилади. Қозоғистонда 63 %га тенг бўлса Ўзбекистонда, таъкидланганидек, 62 %ни ташкил қилади [6]. Рейтинги аниқланадиган давлатлар рўйхатига Тожикистон ва Қирғизистонлар ҳам киритилган. Бу деган “Ўзбекистонда туғилган бола ўзининг маҳсулдорлик салоҳиятини ўртача 62 фоиз қўллаш олади деб баҳо берилмоқда” [7].

Фикримизча **инсон капитали индексини** аниқлашда **яна бир ёндошув бўлмоғи** лозим. Бу кўрсаткич барча меҳнатга қобилиятли ёшдаги инсонларнинг қанчаси олий маълумотли (Мқом), олий маълумотли тажрибали мутахассис (Тмом) ва меҳнат билан банд аҳолининг саломатлик даражасини (Сд) қандайлиги билан ўлчанса, янада ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди. Чунки ҳар қандай капитал жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ривожланишига хизмат қилиши лозим. Инсон капиталига ҳам худди шундай талаб қўйилади. Шу туфайли инсон капиталига ҳамма меҳнатга қобилиятли инсонлар кирмайди. Бунга маълум даражада маълумотга ва тажрибага эга бўлган фаолият кўрсатаётган ходимларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун биринчи галда **меҳнатга қобилиятли фаолият кўрсатаётган аҳоли сонини** аниқлаш лозим бўлади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\mathbf{Mqfkas = Mqas - (Mqis - Mqk) ;}$$

Бунда:

**Мқфкас** – меҳнатга қобилиятли фаолият кўрсатаётган аҳоли сони;

**Мқас** – меҳнатга қобилиятли жами аҳоли сони (18-60 ёш атрофидаги эркаклар ва 18-55 ёшдаги аёллар);

**Мқис** – меҳнатга қобилиятли аҳолидан ишсизлар сони;

**Мқк** – меҳнатга қобилиятли аҳолидан ногирон ва бошқа касалликлари туфайли ишламайдиганлар сони.

Энди **инсон капиталига кирувчи аҳоли сонини** топиш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\mathbf{Ik = Mqfkas - (Fkomya + Omtas) ;}$$

Бунда:

**Ик** – инсон капиталига кирувчи аҳоли сони;

**Фкомйя** – фаолият кўрсатаётган олий маълумоти йўқ аҳоли сони;

**Омтас** – олий маълумотли тажрибаси етарли бўлмаган аҳоли сони.

Энди **инсон капитали индексини (Ики)** топиш учун инсон капиталига кирувчи аҳоли сонини (**Ик**) меҳнатга қобилиятли фаолият кўрсатаётган аҳоли сонига (**Мқфкас**) бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

**Ики =Ик / Мқфкас ;**

Ушбу кўрсаткичларни бирорта ҳудуд, маҳалла, туман, вилоят ва мамлакатимиз бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Буни Самарқанд шаҳридаги битта маҳалла мисолида қараб чиқамиз. Бунинг учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Самарқанд шаҳридаги “Саид” маҳаллада инсон капитали индекси билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлашнинг 2021-2022 йиллардаги ҳисоб-китоби ва қиёсий таҳлили**

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган 2021 йилда	Ҳисобот 2022 йилида	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Меҳнатга қобилиятли жами аҳоли сони, киши	3342	3512	+220	105,1
2.	Меҳнатга қобилиятли аҳоли-дан ишсизлар сони, киши	213	196	-17	92,0
3.	Меҳнатга қобилиятли аҳолидан ногирон ва бошқа касалликлари туфайли ишла-майдиганлар сони, киши	26	28	+2	107,7
4.	Меҳнатга қобилиятли фаолият кўрсатаётган аҳоли сони, киши (1қ-2қ-3қ)	3103	3288	-185	106,0
5.	Фаолият кўрсатаётган олий маълумоти йўқ аҳоли сони, киши	1893	1922	+29	101,5
6.	Олий маълумотли тажрибаси етарли бўлмаган аҳоли сони, киши	16	19	+3	118,8
7.	Инсон капиталига кирувчи олий маълумотли тажрибали аҳоли сони, киши (4қ-5қ-6қ)	1194	1347	+153	112,8
8.	Инсон капитали индексини, % (7қ / 4қ).	38,48	40,97	+2,49	106,5

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, битта ҳудудда 2022 йилда 3512 нафар меҳнатга қобилиятли аҳоли бўлса, уларнинг ҳаммаси **меҳнат ресурсини** ташкил қилади. Шулардан 1347 таси олий маълумотли тажрибали ходимлардан иборат. Улар тажрибали ҳисобланиб, соҳада 3 йил ва ундан ортиқ фаолият кўрсатаётганлардир. Аҳолининг соғлом ҳолда фаолият кўрсатаётганлари инсон капитали индексини аниқлаш учун асос бўлиб саналади. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 38,48 %га (1194×100/3103) тенг бўлган бўлса, 2022 йилда 40,97 %гача (1347×100/3288) кўтарилган. Шу таҳлил даврида инсон капитали индексини 2,47 бандга ёки 106,5 %га ошган. Бу ижобий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Чунки инсон капитали миқдор ва сифат жиҳатидан ҳам ошиб борган.

Шу тариқа инсон капиталининг аниқ индексини ва шу кўрсаткич орқали унинг самарадорлигини ҳам аниқлаш мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Инсон капитали тушунчасининг мазмуни, таркиби ва уни ифодаловчи кўрсаткични аниқлаш йўллари тадқиқ қилиш натижасида бир қанча хулосаларга келинди ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини, аҳолисининг фаровонлигини таъминлашда, унинг рақобатбардошлигини оширишда инсон капитали муҳим роль ўйнамоқда. Булардан келиб чиқиб, инсон капитали бўйича таъриф шакллантирилди.

Жамият тараққиёти учун муҳим омиллардан бири бўлган инсон капиталининг таркиби ҳақида турли қарашлар мавжуд. Шулардан келиб чиққан ҳолда, инсон капиталининг таркиби, уларнинг боғлиқлиги ўрганиб чиқилди.

Инсон капиталини шакллантиришда билим ва малака билан бирга юксак маънавий элементлари ҳам мужассам бўлиш кераклиги асосланди. Шу боисдан, инсон капитали индекси ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида инсон капиталини ҳисоблашда қўшимча яна бир ёндашув шакллантирилди. Бу ёндашувга меҳнатга қобилиятли фаолият кўрсатаётган аҳоли сонини, инсон капиталига кирувчи аҳоли сонини ҳисоблаш ҳам зарурлигига аҳамият берилди.

Дунё аҳолисининг ортиб бориши, уларнинг эҳтиёжларининг ҳам ортиб боришига асос бўлади. Бу табиий экологик муҳитнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Шу сабабли инсонларнинг билим, савия, тажрибаси ресурслардан самарали фойдаланиш лозимлигини белгилайди. Бу эса инсон капиталининг асосидир. Демак инсон капиталини ривожлантириш долзарб масалалардан биридир.

Дунё бўйича статистик маълумотларда аҳолининг турмуш даражаси, таълим билан қамраб олиш даражаси, соғлиқ даражаси, ҳаттоки овқатланиш даражаси ҳақида ҳам маълумотлар берилиб борилади. Юқорида таъкидланганидек, инсон капитали мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини белгиловчи кўрсаткич бўлганлиги сабабли, бу маълумотларни ҳам киритиш лозим.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. <https://www.gazeta.uz/oz/2020/08/19/individual-oriented-education/>
2. <https://www.gazeta.uz/oz/2020/08/19/individual-oriented-education/>
3. Ташкенбаев У.Н. Ўзбекистонда шахс ўз салоҳиятининг неча фоизидан фойдалана олиши ҳисоблаб чиқилди. // FacebookTwitterTelegram 21:53 / 18.10.2020 13199., Абдурахманова Г.Қ., Рустамов Д.Ж. “Инсон капиталини рақамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш йўналишлари”. Монография. – Beau Bassin: “GlobeEdit” Publisher, 2020. – 127 б.,
4. Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Инсон капитали мактабда яратилади. // <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/rasmiy/> 1486.htm.,
5. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли (илмий-оммабоп рисола). – Самарқанд: СамДУ, 2015. – 83 б.,
6. Жониев Ф. Инсон капитали ва миллий қадриятлар. <https://zamin.uz/hayot-tarzi/11291-inson-kapitali-va-milliy-adriyatlar.html>., Амирқулов Ш.О. Инсон капитали:



- шаклланиши ва ривожланиши. Инновацион технологиялар/Innovative technologies. – 2020 йил 2-сон. – 87-92 бетлар, .
7. Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар. Иқтисод ва Молия / Экономика и Финансы № 10, 2011 Журнал. – 53-57 бетлар. Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А., Кўзиев З.Б., Очилова Ҳ.Н. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, - 2020. – 260 бет. ..
  8. Пардаев М.Қ., Очилова Ҳ.Н., Бабаназарова С.А. Таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишда синергетик самара ва таълим технологияларини такомиллаштириш имкониятлари. // Таджикистон: экономика и управление (Экономические науки) 2023. ½-сон. – 131-142 бетлар.
  9. <https://www.osp.ru/news/2021/0804/13039814>.
  10. <https://www.osp.ru/news/2021/0804/13039814>
  11. Улуғбек Ташкенбаев, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи. <https://kun.uz/news/2020/10/18/ozbekistonda-shaxs-oz-salohiyatining-necha-foizidan-foydalana-olishi-hisoblab-chiqildi>

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/7(3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).